БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 129 (1391)
2
ИЮЛЬ
ПАЙШАНБА
1959 йил
Баҳоси 20 тийин

Партия XXI съездининг тарихий қарорлари мамлакатимизнинг ва бутун инсониятнинг коммунизмга борадиган йўлини ёритиб турибди. Шу йўлдан олға, фақат олға борайлик! Ҳамма ғалабаларимизнинг синалган йўлбошчиси ва ташкилотчиси Ленин партияси теварагида сафларимизни тағин ҳам жипслаштирайлик! Бутун куч, бутун ғайрат — кенг авж олдирилган коммунистик қурилишнинг улуғ вазифаларини бажаришга қаратилсин!

КОММУНИЗМНИНГ МУҲТАШАМ БИНОСИНИ ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН БАРПО ҚИЛАМИЗ!

Ишчиларга, колхозчиларга, совет зиёлиларига, Совет Иттифоқининг ҳамма меҳнаткашларига

КПСС Марказий Комитети Пленумининг МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Совет жамиятининг шонли меҳнаткашлари!

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия XXI съездининг халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техникани янада тараққий эттириш соҳасидаги тарихий қарорларини амалда рўёбга чиқаришга доир муҳим тадбирларни ишлаб чиқди. Пленум комплекс механизацияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни автоматлаш, поток линияларни жорий қилиш, эскириб қолган ускуналар, штамплар ва асбобларни алмаштириш, чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтириш соҳасида конкрет вазифаларни белгилаб берди. Кимё ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чораларини ҳам ишлаб чиқди. Марказий Комитет Пленумининг қарорлари етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун, Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш ва совет халқининг турмуш даражасини ошириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Пленум етти йиллик планни тўла ва ошириб бажариш замонимизнинг энг асосий вазифасидир, деб ҳисоблайди. Бу — Ватанимизнинг коммунизм йўлидаги ҳал қилувчи қадамидир.

КПСС XXI съезди етти йиллик планнинг контроль рақамларини тасдиқлаб, қуйидагиларни уқтириб ўтди.

«Совет халқи социалистик қурилиш давомида тинч меҳнат соҳасида буюк қаҳрамонликлар кўрсатди ва унинг бу қаҳрамонликларини ҳамма эътироф қилди. Коммунистик партиянинг XXI съезди, жамиятимизнинг кенг авж олган коммунистик қурилиш даврига кириши меҳнат соҳасида ғайрат ва ташаббусни янада тўлқинлантириб юборади, етти йиллик планни бажариш ва ошириб бажариш учун умумхалқ мусобақасининг янги формаларини юзага чиқаради. бу давр улуғвор ғалабаларга эришилган давр бўлади, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Коммунистик қурилишнинг партиямиз томонидан белгиланган улуғвор программаси совет халқи олдида коммунизм сари ҳаракат қилишнинг кенг ва порлоқ истиқболларини очиб беради. Бизнинг орзу қилган мақсадимизга етишишимиз яқин қолди. Бизнинг олдимизда капитализм билан тинч мусобақа қилишда ҳал қилувчи босқични босиб ўтиш, жуда киска муддат ичида бу мусобақада ютиб чиқиш вазифаси турибди. Бу маррани қўлга киритмоқ учун бизда ҳамма зарур нарсалар бор. Биз бу вазифаларни бажариб, янги майдонларга чиқиб олганимиздан кейин олга караб янада ҳаракат қилишимиз енгилроқ бўлади. Коммунизм қуришнинг буюк мақсади йўлида яхши меҳнат қилмоқ мумкин ва лозим».

Ленинчи партиямизнинг бу илҳомбахш сўзлари миллионларнинг қалбига сингиб, уларнинг ғайратини ошириб юборди. Совет мамлакатининг ҳамма халқлари етти йиллик планни ўзларининг жонажон ишлари деб қабул қилиб, уни зўр ватанпарварлик ғайрати билан бажаришга киришдилар.

«Етти йиллик» деган сўз бутун дунёга ёйилди, бутун прогрессив инсониятни, социалистик мамлакатлардаги халқларни бениҳоя қувонтирди, ўзининг руҳи ва синфи жиҳатидан бизга қардош бўлган кишилар гарчи денгизлар ва океанлар билан биздан ажралиб турган бўлсалар ҳам, уларда социализмнинг ғалабасига тағин ҳам каттароқ ишонч туғдирди, уларга зўр далда берди. Бу сўз социализм душманлари манзилида қўрқув ва вахима туғдирди.

Бутун совет халқи КПСС XXI съезди ишлаб чиққан етти йиллик планни зўр ҳурсандчилик билан маъқуллади. Халқимиз бу улуғ планни ярим йилдан бери ўзининг ижодий меҳнати билан турмушга ошириб келмоқда.

Москва ва Ленинград машинасозлари, Украина металлургларн ва шахтёрлари, Бошқирдистон нефтчилари, Урал бинокорлари, Горький кимёгарлари, Белоруссия саноатининг, Қозоғистон рангли металлургиясининг ходимлари, Иваново тўқимачилари, озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналари етти йилликни ва 1959 йил планини муддатидан олдин бажариш учун миллионлар ҳаракатини бошлаб бердилар. Владимир ва Свердловск иқтисодий районларнинг партия ташкилотлари ва барча меҳнаткашлари ишлаб чиқаришнинг етти йилга мўлжалланган даражасига ички резервлардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан муддатидан олдин эришиш вазифасини ўз олдиларига қўйдилар. Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Молдавия, Ўзбекистон ва бошқа республикалардаги илғор колхозлар ва совхозларнинг чақириғи билан етти йилликнинг қишлоқ хўжалигига доир топшириқларини беш йилда бажариш ҳаракати бошланиб кетди.

Биз етти йилликни яхши бошладик! Барча иттифоқчи республикаларнинг, барча иқтисодий районларнинг саноати 1959 йилнинг биринчи ярим йили планини ошириб бажарди. Қишлоқ хўжалик ишлари муваффақиятли равишда ўтказилмоқда. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари етти йиллик планни муддатидан олдин бажармоқ учун иш суръатларини дадиллик билан оширмоқда.

Ёш Совет республикаси учун энг оғир, энг қийин бўлган биринчи йиллардаёқ Владимир Ильич Ленин айтган эдики, агар биз совет тузуми замирида бўлган ҳамма имкониятлардан халқнинг ижодий ташаббусига таяниб фойдаласак ва оқилона, тежаб-тергаб хўжалик юритсак, капитализмнинг ҳатто, ҳаёлига ҳам келиши мумкин бўлмаган даражада ижтимоий ривожланиш жадаллашиб кетадиган, экономика ва маданият юксалиб кетадиган пайт келади. Ана шундай пайт энди келди.

Қайси капиталистик мамлакат етти йил ичида саноат маҳсулоти чиқаришнинг умумий ҳажмини 80 процент кўпайтиришга, электр қуввати ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиришга, ўзининг кимё индустриясининг қувватини уч баравар оширишга, ишчи ва деҳқонларнинг реал даромадларини қирқ процент кўпайтиришга, меҳнаткашлар учун шаҳарларда 15 миллион квартира ва қишлоқ жойларида 7 миллион уй қуришга киришамиз, деб бутун дунё олдида айта олиши мумкин? Биз бўлсак, шундай деб айтдик ва албатта, шундай қиламиз!

Москва яқинидаги Қашино деган кичкина қишлоқда биринчи электр чироғи Владимир Ильич Ленининг кўз олдида порлаб ёнганида, у нақадар қувонганлигини, халқ бу чироққа меҳр-муҳаббат билан «Ильич чироғи» деб ном берганлигини эсга олайлик. Дастлаб Волховстрой, сўнгра, ДнепроГЭС қурилиб бўлганида ,биз нақадар фахрланган эдик. Энди бўлса, электростанцияларнинг қувватини етти йил ичида 60 миллион киловатт миқдорида кўпайтиришни мўлжаллаб қўйдик. Бу 60 миллион киловатт юз ДнепроГЭСнинг ёки бир минг Волховстройнинг бераётган қувватига баравардир!

Революциядан олдинги Россия пўлат ишлаб чиқариш соҳасида кейинги ўринларнинг бирида турар эди. Етти йилликнинг охирига бориб, Совет Иттифоқи йилига 90 миллион тоннага яқин пўлат эритадиган бўлади, ёки ҳозирги вақтда Европадаги капиталистик мамлакатларнинг ҳаммаси ишлаб чиқараётган пўлатга қараганда кўпроқ пўлат эритадиган бўлиб қолади.

Қора металлар прокати ишлаб чиқаришнинг етти йилликда ўсишининг бир ўзи қарийб 25 миллион тоннани ташкил қилади. Бу—Магнитогорск металлургия комбинати урушдан олдинги йилларда ишлаб чиқарган прокатига қараганда йигирма баравар ортиқдир. Демак, етти йиллик да йигирмата Магнитогорск комбинати ишга тушириладн, деса бўлади.

Революциядан олдинги Россия бутун 1913 йилда ишлаб чиқарган машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулоти 1965 йилга бориб бир куннинг ўзида ишлаб чиқариладиган бўлади.

Етти йил ичида шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида умумий сатҳи 650—660 миллион квадрат метрга тенг келадиган уй-жой биноларн қурилади. Бу рақамнинг аҳамиятини тушунмоқ учун шуни эсга олиб ўтмоқ керакки, 1956 йилнинг ўзида шаҳарлардаги бутун уй-жой фонди 673 миллион квадрат метрни ташкил қилган эди. Бу рақам Ватанимизнинг бепоён ерларида Москвага тенг келадиган 15 та янги шаҳар, ёки Горький сингари 100 га яқин янги шаҳар пайдо бўлади, демакдир. Ваҳоланки, Москва ва Горький шаҳарларининг барпо бўлиши учун неча асрлаб вақт керак бўлган!

Коммунизм қуриш кенг авж олдирилган даврда қилинадиган ишларнинг миқёси ана шундай каттадир!

Ватанимизнинг жаҳоншумул тарихий ютуқларига ҳаммамиз биргаликда ва ҳар биримиз алоҳида равишда қанча фахрлансак ҳам арзийди! Коммунистик партия марксизм-ленинизм таълимотининг компасини қўлига олиб, совет кемасини ҳамма тўлқинлар ва тўсиқлар орқали коммунизмнинг қадрдон соҳилларига ишонч билан олиб бормоқда. Бу умумий ғалабаларда сенинг ҳам ҳиссанг бор, сен, Совет Иттифоқининг граждани ҳаёт майдонида меҳмон эмассан, балки тўла ҳуқуқли забардаст хўжайин бўлиб қадам ташлаб бормоқдасан, атрофингда кўриб турган нарсаларингнинг ҳаммаси, бундан буён вужудга келтириладиган нарсаларнинг ҳаммаси сеникидир, болаларингникидир, ҳаммамизникидир, совет жамиятиникидир—коммунизм қурувчилар жамиятиникидир, Ватанимизникидир,--мана шуларни англаб туриб, зўр мамнуният билан ич-ичимиздан қувонмаслигимиз мумкинми, ахир!

Партия қандай мақсадни кўзлаб халқни меҳнатда янги қаҳрамонликлар қилишга чақираётир?

Қандай мақсадни кўзлаб партия металлни, нефтни, машиналарни, электр қувватини, кимё маҳсулотини, газламаларни, пойафзални кўпроқ ишлаб чиқаришга, ғаллани, гўштни, сутни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга, фан ва маданиятни ривожлантиришга, болалар боқчаларини, мактабларни, институтларни, кутубхоналарни, касалхоналарни ва шифохоналарни кўпроқ қуришга чақираётир?

Қандай мақсадни кўзлаб партия техникани тараққий эттириш учун, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаш суръатларини жадаллаштириш учун, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини тезроқ жорий қилиш учун бутун ғайратни сарфлаб ва зўр бериб қураш олиб бормоқда?

Бизнинг партиямиз ҳамиша бўлганидек, бу сафар ҳам шуларнинг ҳаммасини халқнинг турмушини яхшиламоқ, унинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтирмоқ, социалистик Ватаннинг қудратини янада мустаҳкамламоқ мақсадини кўзлаб қилмоқда.

Бизнинг партиямиз бу ишларнинг ҳаммасини совет кишиларининг меҳнатини енгиллаштирмоқ, бу меҳнатнинг унумдорлигини тағин ҳам оширмоқ мақсадини кўзлаб қилмоқда.

Бизнинг партиямиз шу ишларнинг ҳаммасини шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини яхшироқ қондириш учун, совет кишилари озиқ-овқат маҳсулотлари билан, кийим-кечак, пойафзал ва халқ истеъмол қиладиган бошқа моллар билан мўл-кўл таъминланадиган бўлиши учун қилмоқда. Уй-жой танқислигини тезроқ тугатиш ва ҳар бир совет оиласини қулай квартира билан таъминлаш учун, жаҳонда энг қисқа иш кунига ва энг қисқа иш ҳафтасига тезроқ эришмоқ учун, совет кишилари ўқиш ва дам олишга кўпроқ бўш вақтлари қолиши учун, совет кишиларининг ҳаммаси ўқимишли ва маданиятли кишилар бўлишлари учун бизнинг партиямиз шу ишларни қилмоқда.

Гигант электростанциялардан тортиб, болаларнинг ўйинчоқларига қадар, катта кимё саноатидан тортиб боғлар ва узумзорлар яратишга қадар ҳамма нарса етти йиллик планда ҳисобга олинган ва ўйлаб чиқилган. Бизнинг мамлакатимизда етти йиллик план сингари ҳамма нарсани ўз ичига олган бунчалик катта план шу вақтгача асло бўлмаган эди. Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса унинг бахт-саодати учун қилинмоқда! Бизнинг улуғ мақсадимиз мана шу, коммунистларнинг ленинча партияси қилиб келган ва қилаётган жуда катта ишларнинг маъноси — мана шу!

Бизнинг иқтисодий планларимиз тинчлик ва яратувчилик планларидир. Бу планларимиз фойда кетидан қувиш учун тузилган планлар эмас, балки халқнинг эҳтиёжларини қондиришни асос қилиб олган планлардир. Капиталистик дунёда зўр бериб қуролланишни авж олдириш йўли билан ўзини янада бойитишга интилаётган, ҳаддан ташқари кўпроқ фойда олмоқ учун инсониятни янги энг ҳалокатли уруш жаҳаннамига итариб юборишга тайёр бўлиб турган таъсирдор кучлар бор. Мана шундай шароитда бизнинг мамлакатимиз меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришга эришиб, ўзининг иқтисодий ва мудофаа қувватини ҳормай-толмай мустаҳкамлаши лозим.

Бизнинг социалистик жамиятимизда саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари чексиздир. Биз моддий бойликларни нақадар кўп ишлаб чиқарсак, халқнинг турмуш даражаси шу қадар юқори кўтарила беради, тинчлик ва социализм иши шуқадар мустаҳкамлана боради. Сизлар билан биз, азиз дўстлар, ажойиб замонда, энг яхши дунёнинг кишилар инсониятнинг ёрқин келажаги тўғрисида қилган орзулари рўёбга чиқарилаётган улуғ замонда яшамоқдамиз!

Совет Иттифоқи жаҳоннинг қудратли индустриал давлати, илғор фан, маданиятнинг, юксак инсонпарварликнинг қалъаси бўлиб қолди. Эндиликда ҳеч бир кимса Совет Иттифоқи билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида оддий кишилар: «Совет халқининг овози урушни тўхтатмоқда!» деб айтаётганликлари бежиз эмас.

Эндиликда инсониятнинг учдан бир қисми социализм йўлидан бормоқда. Етти йилликнинг охирига бориб, социалистик мамлакатлар жаҳондаги бутун саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқарадиган бўлиб қолади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида жаҳон социализм системасининг жаҳон капиталистик системасидан устунлиги узул-кесил таъминланади.

Лекин бу ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Бу ғалаба бутун халқнинг фидокорона меҳнати билангина қўлга киритилади. Бизнинг олга боришимиз бир талай қийинчиликларни енгишни, ишдаги камчиликлар ва нуқсонларни тугатишни талаб қилади. Бизнинг халқимиз қийинчиликларни ва тўсиқларни енга олишни, ўзи мўлжаллаган мақсалга сабот ва матонат билан эриша олишини социалистик қурилиш йилларида яққол кўрсатди. Ҳозирги замон шароитида, атом, электроника, кимё асрида, сунъий йўлдошлар асрида бизнинг қўлимизга ғалабани ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш учун чексиз кенг майдон очаётган илғор фан ва олий техника беради, ғалабани миллионларнинг темир иродаси ва большевикча ғоҳтирос билан ишлаши, юксак даражада уюшқоқлиги ва революцион интизоми олиб келади. В. И. Ленин таълим бериб айтадики, **«Коммунизм — илғор техникадан фойдаланадиган эркин, онгли бирлашган ишчиларнинг капиталистик меҳнат унумдорлигига қараганда жуда юқори меҳнат унумдорлиги демакдир».**

Бизнинг етти йиллигимиз — халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, оғир индустрияда ва енгил саноатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида техникани тинимсиз тараққий эттириш етти йиллигидир, фан ва маданият сохасидаги тараққиёт етти йиллигидир.

Партия Марказий Комитетининг Пленуми халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлашга доир жуда катта тадбирларни белгилаб берди.

Саноатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида қўл билан бажариладиган оғир меҳнатни тугатиш ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган ишдир.

Биринчи навбатда, кон-руда саноатида, металлургия саноатида, нефть ва кимё саноатида, машинасозликда, қурилишда ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда, ўрмон-қоғоз саноатида, меҳнатни кўп талаб қиладиган асосий ишларни ва процессларни замонавий энг янги техникани жорий қилиш йўли билан комплекс механизациялаш ва автоматлаш зарур.

Юкларни ташиш ва юклашнинг ҳамма турларидаги юк ортиш-юк бўшатиш ишларини завод ички транспортини кенг равишда механизациялаш ва автоматлаштириш зарур.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ва ўраб жойлаштиришни кенг равишда механизациялаштириб ва автоматлаштириб, молларнинг юқори сифатли бўлишига ва чиройли қилиб безатилишига эришмоқ керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида чопиқ қилинадиган экинларни ва техника экинларини парвариш қилишни, уларнинг ҳосилини йиғиб-териб олишни, тозалашни ва юклашни комплекс механизациялаш, шуингдек чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларнинг ҳаммасини механизациялаш зарур.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, ускуналарни модернизация қилиш ва эскирганларини алмаштириш, технология процессларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Маълумки, масалан, қуймалар, поковкалар, пайванд конструкциялар, маҳкамловчи буюмлар ва инструментларни ишлаб чиқариш ихтисослаштирилган корхоналарда ишлаб чиқариш консентрацияси тузук ташкил этилмаганлиги натижасида халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказилмоқда. Шу сабабли, корхоналар ва қурилишлар ишидаги иқтисодий кўрсаткичларни ошириш мақсадида Марказий Комитет Пленумининг қарорларида иқтисодий районларнинг ичида ҳам, шунингдек бир неча иқтисодий районларнинг эҳтиёжлари учун ҳам қуймаларни, поковкаларни, пайванд конструкцияларни, маҳкамловчи буюмларни ва инструментларни замонавий техника даражасида марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқаришни ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

Комплекс автоматлаш соҳасида айрим ишлаб чиқариш операцияларини автоматлашдан, биринчи навбатда, автоматлаш энг кўп иқтисодий натижа берадиган тармоқларда тўла равишда автоматлаштирилган технология процесслари, цехлар ва корхоналар вужудга келтиришга ўтиш вазифасини ҳал қилиш зарур.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг резолюциясида халқ хўжалигининг турли тармоқларида техникани тараққий эттириш йўлларини кўрсатиб берувчи бошқа муҳим тадбирлар ҳам белгилаб ўтилди

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми улуғ Ватанимизнинг ҳамма меҳнаткашларига қуйидаги чақириқ билан мурожаат қилади:

— етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун, техникани тараққий эттириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдирингиз!

— юксак меҳнат унумдорлиги учун, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш учун, консерватизмга, техникадаги турғунликка, қолоқликка қарши курашингиз;

— янги ускуналарни дадиллик билан жорий қилингиз, ишлаб турган станокларни ва машиналарни модернизация қилингиз, технология процессларини такомиллаштирингиз, ишлаб чиқариш қувватлари ва резервларидан яхшироқ фойдаланингиз;

— катта ва кичик ишларнинг ҳаммасида, ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида тежамли бўлингиз, маҳсулот сифатини оширингиз, унинг таннархини камайтирингиз. Шуни эсда тутинг ки, граммлардан тонналар, тийин ва сўмлардан миллионлар ва миллиардлар ҳосил бўлади;

— илғор техникани бутун чоралар билан ривожлантирингиз, янги техникани қунт билан эгаллангиз, мусобақа илғорларининг, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини кенг ёйингиз ва жорий қилингиз, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг оммавий ҳаракатини ривожлантирингиз! Фан билан меҳнатнинг ижодий иттифоқи мустаҳкамлансин!

Партия Марказий Комитети Пленумининг қарорларида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техникани тараққий эттириш программаси батафсил ишлаб чиқилди, партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, корхона, илмий-тадқиқот муассасаси ва конструкторлик бюролари коллективларининг вазифалари белгилаб берилди. Энди бутун гап ишни тўғри ташкил қилишдан ва қабул қилинган қарорларни амалга оширишдан иборат бўлиб қолди. Ҳар бир ишчи, инженер, олим, колхозчи, агроном, ўқитувчи, врач Пленум қарорларини ўрганиб чиқиб, ўзининг амалий ишида бу қарорларни қандай татбиқ қилиш кераклигини ўйласин. Ҳар бир меҳнаткаш коллектив фан, техника автоматиканинг муваффақиятларини ўзлаштириш ва жорий қилиш, етти йилликдаги ўз маррасига тезроқ етиб олмоқ учун ишлаб чиқариш резервлари ва майдонларидан яхшироқ фойдаланиш планини тузиб чиқсин.

Юксак технология тараққиёти ишлаб чиқаришни ва меҳнатни юксак даражада ташкил этишни тақозо қилади. Агар меҳнат яхши ташкил этилган бўлса, агар цехда ишламай сангиб юрадиган кишилар бўлмаса, агар ҳар бир минутдан оқилона фойдаланилса, у ҳолда комплекс механизациялаш ва автоматлаш ниҳоят даражада самарали бўлади, чунки минутлардан соатлар, иш кунлари, ойлар ва йиллар ҳосил бўлади.

Ҳар бир меҳнаткаш ўз иши учун, иш нормаларини ва план топшириқларини кун сайин бажариш учун, маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтириш учун бўлган ўзининг юксак масъулиятини сезиб ва пайкаб олсин. Исрофгарчиликка, бўшангликка ва интизомсизликка қарши, тадбиркор, тежамли бўлиш учун, хўжаликни оқилона боқиш учун кескин кураш очилиши лозим. Жамиятга бериши лозим бўлган нарсани бермай, ҳамма нозу-неъматлрдан ишда юксак даражада онглилик ва коммунистларча меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатувчи меҳнаткашлар билан бир қаторда фойдаланаётган кишилар жамоатчиликнинг танбихига сазовордирлар.

Келажакнинг разведкачилари — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари шонли ҳаракатининг қатнашчилари янги вазифаларни яхши тушунадилар. Бу бригадалар энг мукаммал техникани ва технологияни ўз участкаларида, ўз далаларида қўлланишга астойдил ҳаракат қилиб эришмоқдалар, улар ўжарликка, консерватизмга, қолоқликка кескин равишда қарши чиқмоқдалар. Кимки ўз ишининг моҳир устаси бўлиб олиб эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолмасдан зийраклик билан олга қараб, жонбозлик билан, янгилик қидириб ишлаётган бўлса, шу киши коммунистик меҳнат зарбдоридир. У илғор фан ва техника билан дўст бўлади, «эскича» ишловчиларга тенглашишга тоқат қилмайди, халққа керакли нарсаларни кўпроқ, яхши, сифатли, арзон нарх билан яратиб бермоқ учун новаторларнинг ҳеч ким очмаган йўлидан боришга ҳамиша тайёрдир

Коммунистик меҳнатнинг партиямиз ундирган дони тобора кўп ажойиб ва мўл мевалар бермоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, техникани тараққий эттириш учун, ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан такомиллаштириш учун бошланган янги юришда меҳнатга онгли, коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатаётган миллион-миллион кишилар ўсиб етишади ва ўзини кўрсатади Барча партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг юксак бурчи, муқаддас вазифаси шуки, улар омманинг ўсиб бораётган мана шу ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилишлари керак.

Ўртоқлар, дўстлар!

Коммунистик партия, улуғ Ленин партияси меҳнатда янги шонли қаҳрамонликлар кўрсатишга чақиради. Халқнинг қаҳрамонона меҳнати билан коммунизмнинг ҳашаматли биносини барпо қилайлик! Етти йиллик қаҳрамонларининг жасур ишларини, замонимиз кишиларининг фидокорона меҳнатини халқимиз асло унутмайди. келажак авлодлар улар билан фахрланади, коммунистик жамиятнинг кишилари улар билан фахрланади, бутун илғор инсоният улар билан фахрланади.

Партия XXI съездининг тарихий қарорлари мамлакатимизнинг ва бутун инсониятнинг коммунизмга борадиган йўлини ёритиб турибди. Шу йўлдан олға, фақат олға борайлик! Ҳамма ғалабаларимизнинг синалган йўлбошчиси ва ташкилотчиси Ленин партияси теварагида сафларимизни тағин ҳам жипслаштирайлик! Бутун куч, бутун ғайрат — кенг авж олдирилган коммунистик қурилишнинг улуғ вазифаларини бажаришга қаратилсин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари областимиз меҳнаткашларини янги ғалабаларга руҳлантирмоқда

Областимиз саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини зўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар. Суратда: Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасининг агитатори ўртоқ Л. Евтушенко тикувчиларни Пленум материаллари билан таништирмоқда.

В. Кожевников фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

План ортиғи билан бажарилди

Ой охиригача пландан ташқари 5 та экскаватор ишлаб чиқарамиз! — Тошкентдаги экскаватор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ана шу шиор остида меҳнат қилиб, ўз сўзларининг устидан чиқдилар.

Корхона коллективи областимиздаги барча меҳнаткашлар қатори шонли партиямиз Марказий Комитетининг Пленуми шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган эди. Улар мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан янада тўлароқ фойдаланиш, тезкорлик методларини қўлланиш натижасида 7 йилликнинг биринчи йили ярим йиллик топшириғини муддатидан 12 кун олдин бажардилар.

Бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилаётган завод коллективи ўз ички имконият ва резервларини ҳисоблаб чиқиб, иккинчи ярим йилликда ҳам пландан ташқари 5 та экскаватор тайёрлаш мажбуриятини олди.

З. ОРИПОВ.

Чирчиқликлар ғайрати

Социалистик Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олган эдилар. Ишлаб чиқариш процессларини тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техникани кенг жорий қилиш, кўплаб рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини муттасил яхшилаб бориш натижасида шаҳар бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик плани муддатидан илгари тўла бажарилди.

Шу давр ичида топширириққа қўшимча равишда бирнеча миллион сўмлик турли машина ва ускуналар, минерал ўғитлар, пойафзал ва бошқа халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилди.

Г. ВАЛИЕВ.

МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашаётган Янгийўл шаҳар саноати ходимлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар мусобақани кенг авж олдириб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 6 ойлик планни муддатидан 10 кун олдин 101 процент қилиб бажардилар.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида аввалги йилдагига қараганда 660 тонна ўсимлик ёғи, 93 тонна колбаса маҳсулотлари ва 67 минг жуфт пойафзал тайёрланди.

Шаҳар саноат корхоналарининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун астойдил курашмоқдалар.

А. ҚУРУМБОЕВА.

Пленум янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда

Ўзбекистон кочегарларининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олган эдилар. Кон устини очиш разрези ишчилари ва инженер-техник ходимлари Пленум материалларини қизғин муҳокама қилмоқдалар ва бу соҳада ўз олдиларида турган вазифаларни белгиламоқдалар.

Яқин йиллар ичида кўпгина эскириб қолган машиналар янги ускуналар билан алмаштирилади ва шу йўл билан 1965 йилда кон устини очиш разрезида порода чиқариш 14 миллион кубометрга етказилади.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш муддатларини тезлаштириш учун кончилар иш суръатини кун сайин жадаллаштирмоқдалар. Экскаватор машинистларидан Мирбобоев, Гуменюк, Мясников ва бошқа ўртоқлар сменада нормадагидан 300—400 кубометр кўп тош-шағал қазимоқдалар.

Бинокорлар ҳам кончилардан қолишмаётирлар. «Узбекуголь» комбинатининг қурилиш бошқармаси ойлик планни қарийб икки баравар қилиб бажарди. Социалистик шаҳарчада қурилаётган 9 та кўп квартирали уйдан 2 таси муддатидан олдин—партия Марказий Комитети Пленуми очилган кунда фойдаланишга топширилди.

Шахта қурувчилар ҳам юқори кўрсатгичларга эришмоқдалар. «Узбекшахтострой» тресті бўйича ойлик план 128 процент қилиб адо этилди. Ярим йиллик план эса 24 июндаёқ бажарилди.

Шаҳардаги «Подземгаз» станцияси янги ускуналар билан қуролланмоқда. Яқинда бу ерга электр пармалаш установкаси келтирилди. Уни бошқариш, вишкани кўтариш ва бошқа ишлар гидравлик усулда бажарилади.

Оҳангарон шаҳар партия комитети, корхона ва қурилишларнинг бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материалларини меҳнаткашларга тушунтириш ва уларни янги меҳнат ғалабаларига сафарбар қилиш юзасидан кенг кўламда иш олиб бормоқдалар.

Э. АЛЬМУҲАМЕДОВ,
Оҳангарон шаҳри.

Рационализатор ва ихтирочиларнинг сафлари ўсмоқда

30 июнда Тошкентда шаҳар партия комитети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ҳамда республика рационализатор ва ихтирочилари жамияти томонидан чақирилган умум шаҳар тантанали йиғилиши ихтирочилик тўғрисида В. И. Ленин томонидан декрет имзоланган куннинг қирқ йиллигига бағишланган эди. Бу йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Ҳўжаев очди.

Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси С. Н. Нуриддинов қилган докладида техника тараққиёти учун, партия XXI съезди қарорларида айтилган ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш вазифасини бажариш учун курашда республика рационализаторлари ва ихтирочилари эришган муваффақиятлар ҳақида сўзлаб берди.

Йиғилишда энг яхши рационализаторлар ва ихтирочиларнинг номлари айтиб ўтилди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг механиги Махмуд Мамашев қирқдан ортиқ таклиф киритиб, зўр эътибор қозонди. Унинг киритган таклифлари давлатга ҳар йили деярлик уч миллион сўм маблағни тежайди. Бундай рационализаторлар Чирчиқ электрокимё комбинатида, «Ташсельмаш» заводида ва Ўзбекистоннинг бошқа корхоналарида ҳам бор.

Новаторлар техника тараққиётига ёрдам берадиган ўз таклифларини КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумига бағишладилар.

Йиғилишда рационализаторлар ҳаракатини янада кенгайтириш, уларга партия XXI съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини бажариш учун курашда ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш зарурлиги айтиб ўтилди.

(ЎзТАГ).

Эфиопия императори Хайле Селассие I нинг Москвада бўлиши

Москвага меҳмон бўлиб келган Эфиопия императори Хайле Селассие I 30 июнда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳузурида бўлди. К. Е. Ворошилов, Н. С. Хрушчев ва Эфиопиядан келган муҳтарам меҳмон ўртасида суҳбат бўлди. Суҳбат дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

Император Хайле Селассие I га ҳамроҳ бўлиб келган Эфиопия Ташқи ишлар министри Ато Ильма Дересса эрта билан СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ҳузурида бўлди ва у билан суҳбатлашди.

* * *

Кундузи Эфиопия императори Хайле Селассие I ўз ҳамроҳлари билан бирга В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейида бўлиб, гулчамбар қўйди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Эфиопия императори Хайле Селассие I Ҳазрат Олийлари шарафига Катта Кремль Саройида зиёфат бердилар.

Зиёфатда Эфиопия императори билан бирга унинг ҳамроҳлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Н. Г. Игнатов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида К. Е. Ворошилов, Н. С. Хрушчев ва Эфиопия императори Хайле Селассие I нутқ сўзладилар.

* * *

Тушдан кейин Кремлда Совет давлатининг раҳбар арбоблари Эфиопия императори Хайле Селассие I билан учрашдилар. Дўстона ҳамжиҳатлик ва самимият вазиятида ўтган суҳбат давомида СССР билан Эфиопия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, Африкадаги аҳвол масалалари ҳамда Совет Иттифоқи билан Эфиопияни қизиқтираётган бошқа халқаро масалалар қараб чиқилди.

Суҳбатда Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, СССР министрлари А. А. Громико ва Н. С. Патоличев ҳамда бошқалар қатнашдилар.

Эфиопия томонидан император билан бирга унинг ҳамроҳлари ҳам суҳбатда иштирок этдилар.

Томонлар суҳбат вақтида қараб чиқилган масалаларни муҳокама қилишни давом эттириш ҳақида келишиб олдилар ҳамда СССР ва Эфиопия ҳукуматларининг белгиланган вакилларига тегишли қўшма таклифларни тайёрлашни топширдилар.

* * *

Кечқурун Эфиопия императори Хайле Селассие I ва унинг ҳамроҳлари ССР Иттифоқи Большой театрида «Оққуш кўли» балетини тамоша қилдилар.

Марказий ложада Эфиопиядан келган меҳмонлар билан бирга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян ва бошқалар бор эдилар.

(ТАСС).

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бир миллион киши келиб кўрди

Москвада СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси икки ҳафтадан бери ишламоқда. Шу вақт ичида виставкани москваликлар, мамлакатнинг турли қисмларидан пойтахтга келган меҳмонлар, чет эл туристларидан бир миллионга яқин киши келиб кўрди. Тажриба орттириш, қишлоқ хўжалиги, фан ва индустрия муваффақиятлари билан танишиш учун бу ерга ишчилар, студентлар, олимлар, колхозчилар келмоқда. Виставкани умумхалқ академияси деб атаётганликлари бечиз эмас.

29 июнда Қурилиш бўлимининг лекториясига кўпгина инженерлар, бинокорлар тўпланди. Бу ерда СССР Қурилиш ва архитектура академияси Ўй-жой илмий текшириш институтининг ходими А. И. Чўкавин квартира блоклари тайёрлаш технологияси ҳақида лекция ўқиди. Бундай усул билан ишлаганда «қурилиш деталлари»ни тамомила пардозланган ва жиҳозланган хона ва квартиралар ташкил этади. Чин маъноси билан олганда, бу ерда қурилиш ишлари йўқ. Унда фақат монтажчилар ишлайди.

Виставканинг қурилиш павильонларини 60 экскурсия келиб кўрди.

«Ремонт-техника станцияси» павильонининг намойиш майдонида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги тракторлар кўрсатилди. И. Г. Логинов конструкциясидаги автоматик ва дистанциядан бошқариладиган тракторнинг иши бу ерга келган кишиларда зўр қизиқиш туғдирди. Виставкага келган колхозчи ва механизаторлар экскурсия раҳбари, инженер Н. Н. Куликовга кўп саволлар бердилар. У И. Г. Логинов конструкциясидаги бу машина тиркаладиган комбайн билан тракторчисиз ишлаш мумкинлигини айтди. Комбайнчи ўзининг иш ўрнида ўтириб, тракторни ҳам бошқаради.

— Ажойиб машина экан! — дейди Кубандан келган колхозчи И. С. Козирев. — Ўйлаб кўрингчи: қанчаканча механизаторларни бошқа ишлар учун бўшатиб бериш мумкин бўлади. Ана шундай трактор билан танишиш учунгина мен беш минг километр узоқ жойдан ҳам Москвага келган бўлур эдим, — деб қўшимча қилади у. (ТАСС).

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИ ГРЕК ВАТАНПАРВАРИНИНГ ОЗОД ҚИЛИНИШИНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДАЛАР

Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда грек ватанпарвари Манолис Глезосни ҳимоя қилиш юзасидан кўп кишилик митинглар ўтаётир.

— Греция халқ қаҳрамонининг тақдири барча совет кишиларини ғоят ҳаяжонлантирмоқда, — деди паровоз-вагон ремонт заводи коллективининг митингида партия ташкилотининг секретари Е. А. Гацкевич. — Тинчлик ва тараққиёт душманлари Глезосга унинг ўз халқини севганлиги, унинг бахт-саодати ва мустақиллиги учун курашаётганлиги учун таҳдид қилмоқдалар. Биз аминмизки, инсонпарварлик туйғулари тантана қилади ва Манолис Глезос озод этилади. Биз, Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун дунёдаги миллион-миллион соф виждонли кишиларнинг овозига қўшилиб айтамизки: Глезосдан қўлингни торт! Манолис Глезос бутун грек халқининг бахт-саодати йўлида яшасин ва меҳнат қилсин. Ватанпарварга озодлик ва дахлсизлик таъминлансин!

Митинг қатнашчилари Греция короли Павел биринчи номига телеграмма юборишдилар. Телеграммада Глезоснинг қамоқдан озод қилинишини талаб этаётган Ўзбекистон халқининг продаси изҳор қилинади.

Тошкент электроламп заводининг коллективи митингдан кейин СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов номига телеграмма юборди. Телеграммада завод ишчилари ва мутахассислари грек халқининг шонли фарзанди Манолис Глезосдан ўч олишга тайёрланаётган реакциянинг ҳаракатларидан газабланадилар ва Глезоснинг дарҳол озод қилинишини талаб этиб, барча мамлакатлар ҳукуматларига мурожаат этишни илтимос қиладилар, дейиладилар.

Манолис Глезосни ҳимоя қилиш митинглари кўпгина завод ва фабрикаларда бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

ГРЕК ВАТАНПАРВАРИ ГЛЕЗОС ЖАЛЛОДЛАР ҚЎЛИДАН ҚУТҚАЗИЛСИН!

Грек халқининг миллий қаҳрамони Манолис Глезоснинг ҳаёти хавф остида қолганлиги тўғрисида матбуотда эълон қилинган хабарлар пахтакор олимларни беиҳоя газаблантирди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтининг директори И. М. Маннонов бундай деди:

— Қораловчиларнинг, тўғрисини айтганда жаллодларнинг қўлида Глезоснинг грек халқи олдида айбдор эканлигини исбот қила оладиган бирорта ҳужжат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Тилларда достон бўлиб қолган бу қаҳрамон ўз ватанини гитлерчи босқинчилардан озод қилиш учун олиб борилган курашда ўз жонини ҳам аямаганлиги ҳаммага маълум. Шундай кишини «жосуслик қилиш»да айблаш соф виждонли ҳар бир инсонни газаблантиради.

Грек маъмурларининг хоҳиши билан «Глезос иши» қонунга хилоф суратда ҳарбий судда кўрилаётган ҳозирги пайтда, бутун совет халқи каби биз илмий муассасаларнинг ходимлари ҳам грек ватанпарвари Глезосдан ёвузларча қасос олинишига йўл қўйилмасин, деб қатъий талаб этамиз. (ЎзТАГ).

Раҳбар кадрлар тайёрлашни янада яхшилаймиз

КПСС XXI съезди СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик планида мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириб юбориш программасини белгилаб берди. Бу программанинг амалга оширилиши партия кадрларидан коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янада малакалироқ раҳбарлик қилишни, марксизм-ленинизм асосларигагина эмас, балки экономика, техника ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билимларига ҳам таяниб раҳбарлик қилишни талаб этади.

Олий партия мактабида тамомлаб чиққан кадрлар ўртоқ Н. С. Хрушчев жуда тўғри айтганидек, раҳбарлик қилиш билангина чекланмасдан, хўжаликни юксалтириш, меҳнаткашлар ҳаётини янада яхшилаш соҳасида зўр ғайрат ва жонбозлик кўрсатиб ишлашлари лозим.

Партия ўз кадрларининг сиёсий ва назарий савиясини ошириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Уларга оммя билан ишлаш, ташкилотчилик иши олиб бориш санъатини сингдирмоқда, уларни коммунистик қурилиш ва унинг амалий вазифаларини ҳал қилиш учун юксак маъсулият сезиш руҳида тарбиялямоқда.

Республика партия мактаби 1953 йилда икки йиллик мактабдан уч йиллик мактабга айлантирилди ва 1956 йилда унга тўрт йиллик Тошкент олий партия мактаби номи берилди.

Шу йиллар ичида партия мактабининг ўқув плани ва программаси анча ўзгарди. План ва программани ўзгартиришда партия кадрлари тайёргарлиги профелини янада кенгайтириш кераклиги ҳисоба олинди.

Ҳозир тингловчилар ўқиш даврининг ярмини конкрет экономикани ўрганишга бағишлайдилар, шунингдек саноат ва қишлоқ хўжалик экономикаси юзасидан, партия қурилиши юзасидан икки ойлик практикадан ўтадилар. Газета бўлимининг тингловчилари эса журналистика ва партия қурилиши юзасидан практика ўтказадилар. Автомобиль иши ҳам ўргатилади. тингловчилар ҳаваскор шофер ҳуқуқини оладилар.

Партия мактабида гуманитар ва махсус фанларни ўқитиш учун шароит тобора яхшиланмоқда: янги дарсликлар ва кўргазмали қуроллар, станоклар, ускуналар, хилма-хил қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олинмоқда ва айримлари мактабнинг ўзида тайёрланмоқда. Мактабда катта ўқув-методика ва илмий ишлар олиб борилаётир. Шу ўқув йилида КПСС XXI съезди материаллари юзасидан 3 та илмий конференция, В. И. Ленининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асари юзасидан конференция ўтказилди. Ўқитувчиларнинг маҳорати такомиллаштирилмоқда, мактаб ўқитувчилари илмий мақолаларининг дастлабки тўплами нашр этилди.

Кейинги олти йил ичида мактабни мингга яқин киши, шу жумладан 300 киши олий маълумот билан тамомлаб чиқди. Мактабни тамомлаганлардан 270 киши партия ходими бўлиб, булардан 122 киши шаҳар ва район партия комитетларининг собиқ секретарлари. 78 киши совет ходими (шу жумладан 43 киши меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг раиси бўлиб ишлаган), 113 комсомол ходими, шунингдек Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва область комитетларининг ходимлари, 78 газета ходими тамомлаб чиқди. Мактабни тамомлаб чиққан 158 аёлдан 100 киши ўзбек хотин-қизларидир.

Бу йил Тошкент олий партия мактабини тамомлаб чиқувчиларнинг ҳаммаси Ўзбекистон партия ташкилоти ихтиёрига юборилади. Мактабни бундан кейин битириб чиққанлар тўрт республика — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистонга юборилади.

Бу йил 150 киши диплом олди. Булардан 90 киши Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетларининг ходимлари, 16 киши газета ходими, 10 киши совет органларининг ходими ва ҳоказо. Тамомлаб чиққанлар орасида 23 аёл, шу жумладан 10 ўзбек аёли бор. Бу йил партия мактабини Тожикистон партия ташкилотидан 6 киши тамомлаб чиқди. Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи олий партия мактаби тингловчилари билан ўқув-методик ишларни олиб бориш Тошкент олий партия мактаби зиммасига юклатилди. Икки йилдан бери сиртдан ўқувчилар бизнинг мактабимизда давлат имтиҳони топширмоқдалар. Бу йил сиртқи олий партия мактаби Ўзбекистон бўлимининг 42 тингловчиси, шунингдек Тожикистон бўлимининг 16 тингловчиси ва Туркманистон бўлимининг 15 тингловчиси давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширди.

Тошкент олий партия мактабини тамомлаб чиққанлардан 138 киши, шу жумладан 8 аёл кейинги икки йил ичида автомобиль ишидан имтиҳон топширди ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини олди.

Партия комитетлари ўқишга тажрибали, бундан кейин ўсадиган ва анча тайёргарлиги бўлган кишиларни юбормоқдалар. Ўқишга келган тингловчилар мумкин қадар кўпроқ билим олиш учун астойдил интилмоқдалар. Бу йил мактабни тамомлаб чиққан М. Тошхўжаев, В. Барабохина, Л. Содиқов, Х. Матрасулов, Н. Смирейчик, В. Утюшев, У. Мавлонов, С. Корняев, А. Вохитов, Д. Жунусов, Р. Немцев ва сиртқи бўлимни тамомлаб чиққанлардан С. Медведов, Р. Ҳамидов, Л. Ефременко, Д. Мангельдин, У. Йўлдошев, П. Кабачков, Х. Ражабов ўртоқлар аъло ўқидилар ва жамоат ишларида актив қатнашдилар. Бу ўртоқлар уларни ўқишга юборган партия ташкилотларининг ишончини шараф билан оқладилар.

Айрим ўртоқлар мактабга келганларида рус тилини унча яхши билмас эдилар, умумий билими етарли эмас эди. Тингловчиларнинг астойдил ўқиши ва уларга муттасил малакали ёрдам кўрсатилгани туфайли бу ўртоқлар ҳам ўқув материалини пухта ўзлаштириб, давлат имтиҳонидан муваффақиятли ўтдилар. С. Оқхўжаев, Х. Гафурова, К. Абдураҳмонов, Х. Икромова ўртоқлар шулар жумласидандир.

Бизнинг ҳаммаси партия мактаби ўқитувчилари коллективи партия ва совет ходимларини тайёрлаш соҳасидаги муҳим ва масъулиятли вазифаларни шараф билан бажараётганлигини кўрсатади. Мактаб ҳаёт талабларига жавоб берадиган, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қила оладиган, меҳнаткашларнинг етти йиллик планни бажариш учун курашларига бошчилик қила оладиган раҳбар кадрлар етиштириб чиқармоқда. Мактаб коллективининг ва тингловчиларнинг партия бурчини виждонан бажараётганлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли ана шу муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бу соҳада мактаб партия ва касаба союз ташкилотларининг хизмати ҳам катта. Жамоат ташкилотлари мактабни маданиятли, партия ва халқ олдида ўз масъулиятини чуқур ҳис қиладиган, бутун куч ва билимини халқ хизматига бағишлайдиган кишилар етиштириб чиқариш учун астойдил хизмат қилдилар.

Ўзбекистон КП Киров район комитети, Тошкент шаҳар комитети, область комитети ва Марказий Комитет Тошкент олий партия мактабининг эҳтиёжларига жуда катта эътибор билан қараганлигини қайд қилиб ўтиш керак.

Мактабимиз партия кадрларини тайёрлаш вазифаларини тўла адо этмоқда дейиш хато бўлур эди. Тажриба шуни кўрсатадики, мактаб ишини яхшилаш учун яна бир қанча муҳим ва зарур чораларни кўриш керак.

Даставвал Тошкент олий партия мактабида ўқишни истеъдодли ва танлаш ишини яхшилаш зарур. Бунда партия мактабининг тингловчилари партия ва совет ходимларининг резерви эканлигини ёдда тутиш керак. Бинобарин бу резервга тез ўсиб бораётган талаблар шароитида ишлай оладиган кишиларни юбориш зарур. Тингловчилар таллашни партия комитетларидагина эмас, балки мактабнинг ўзида ҳам конкурс йўли билан танлаб олиш йўли билан тубдан яхшилаш керак.

Ўқув планини ва мактаб программасини ҳам қайта кўриб чиқиш зарур. Ўқув планида айрим предметларга жуда кўп вақт ажратилган. Мажбурий машғулотлар соли кўпайиб кетган. Бунинг натижасида тингловчиларнинг мустақил машғулотлари учун кам вақт қолмоқда. Бу фактлар предметларни етарли даражада чуқур ўрганишга маълум даражада халақит бермоқда.

Партия кадрларини тайёрлашда мактаб партия ташкилотининг тарбиявий иши жуда муҳим ўрин тутади. Бу соҳада маълум муваффақиятлар қўлга киритилди. Лекин ҳали ишимизда жиддий камчиликлар бор. Ҳар бир тингловчи билан алоҳида ва таъсирчан иш олиб бориш ҳали яхши йўлга қўйилмаган.

Мактабда тарбиявий ишларни янада яхшилаш учун область, шаҳар ва район партия ташкилотлари мактабга ўзлари юборгал коммунистларга кўпроқ эътибор беришлари, уларнинг ўқишдаги ва жамоат ишидаги муваффақиятлари билан қизиқиб туришлари жуда муҳимдир.

Сиртқи бўлимда ўқиш шароитини қайта кўриб чиқиш пайти келди. Сиртдан ўқувчиларга яхши шароит яратилмаган, уларнинг кўпчилиги асосан имтиҳон вақтидагина шуғулланади. Натижада улар имтиҳонга яхши тайёргарликсиз келадилар ва айримлари имтиҳондан ўта олмайдилар. Сиртқи олий партия мактаби тингловчиларига ўқиш учун яхшироқ шароит яратиб бериш зарур.

Бизнинг мактабимизни тамомлаб чиққан кишилар олдида етти йиллик план топшириқларини амалга оширишга актив қатнашишдан иборат катта, масъулиятли, лекин шарафли вазифа турибди. Ишнинг муваффақияти олинган билим ва тажрибани амалда татбиқ қилишга, шунингдек ғоявий-назарий савиями тинмай ошириб боришга боғлиқ.

Мактабимизни битириб чиққан кишиларга Социалистик Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш, коммунизм қурилиши ишларини амалга оширишда катта муваффақиятлар тилаймиз. Шубҳа йўқки, улар партия юборган постда партия ва халқ ишончини шараф билан оқлайдилар.

Б. РАҲИМОВ.

Тошкент олий партия мактаби партия комитетининг секретари.

Ғўза парваришини янада кучайтириб, шоналарни гулга, гулларни тўқ кўсакларга айлантирайлик!

☆

Янги ўзлаштирилган ерларда

Ворошилов номли колхоз аъзолари бу йил областимизнинг илгариги шухратини қайта тиклаш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил бел боғлашган. Улар йил бошида ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосил миқдорини анча оширишни мўлжаллаган эдилар. Шу мақсадда 350 гектар янги ер ўзлаштирилиб, унинг анчагина қисмига чигит экилди.

Бу янги ерларда Аҳмадали Шерматов ва Мамаюнус Қосимов ўртоқлар бошлиқ трактор-далачилик бригадалари иш бошлади. Ҳар икки бригада аъзолари чигитни бир текис ундириб олишгандан кейин ғўза парваришини қизғин бошлаб юборишди. Ҳозирги кунда ана шу бригадаларга биркитилган 320 гектар ернинг ғўзаси уч марта узунасига ва кўндалангига культивация қилинди.

Дастлабки кунларда бригадаларнинг аъзолари катта қийинчиликларга дуч келдилар. Ер баландликлардан иборат бўлгандиги сабабли ғўза сувсаб қолди. Аммо бу ерларга насослар ёрдамисиз сув келмас эди.

Район сув хўжалик бўлими мутахассислари янгиер очган азаматларга кўмакка келдилар. Қисқа муддат ичида иккита бақувват насос ўрнатилиб, сув сероб бўлиб қолди. Натижада ғўза парваришидаги асосий қийинчилик бартараф қилинди.

Яқинда механизация воситаси билан ишлаётган ҳар иккала бригада аъзоларининг йиғилиши бўлди. Колхозчилар мана шу йиғилишда кўп масалалар қатори пахтани машинада теришга тайёргарлик кўриш юзасидан батафсил маслаҳатлашиб олишди.

— Ҳукуматимиз қўлимизга қудратли техникани бериб қўйибди, — ифтихор билан гапирди ўша куни бригадир Аҳмадали Шерматов. — Шундай экан, ундан унумли фойдаланишимиз керак. Мен бу йил ўз агрегатим билан 80 тонна пахта териб бериш мажбуриятини оламан.

Бирин-кетин бригаданинг С. Юнусов, А. Ёрматов сингари механизаторлари ҳам сўз олишиб, мавсумда 60-70 тоннадан пахта териб беришга ваъда қилдилар. Шунингдек ўртоқ А. Шерматов бошлиқ бригада аъзолари ғўзани яна икки марта культивация қилишга сўз беришди.

Шу кунларда Аҳмадали ака бригадирлик қилаётган участкадаги ғўзалар шига-шига шона йиғиб, гуллай бошлади. Бригада аъзолари ғўзани кетмонсиз икки томонлама парвариш қилишаяпти. Уларнинг мақсади ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта ҳосили етиштиришдир.

Б. БОБОЕВ,
Пискент райони.

Гулистон районидаги Крупская номли колхоз аъзолари мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида ғўза парваришини сифатли ўтказиш учун курашмоқдалар. Бу ерда культивация, суғориш ишлари бир-бири билан боғлаб олиб борилмоқда. Колхоз правленнеси сувчиларнинг унумли ишлашига барча шароитларни яратиб берган.

Колхознинг ўртоқ М. Алибеков бошлиқ бригадасида 140 гектар ердаги ғўза икки томонлама парвариш қилинмоқда. Бригада аъзолари ғўзани саратон сувига қондириб суғоришга катта аҳамият бермоқдалар. Бу ишда миришкор сувчи Каримжон Шарипов ҳаммага намуна бўлмоқда. Каримжон ака ернинг паст-баландлиги, нишабини яхши билади. Шунинг учун ҳам у карталарга сувни текис тарайди, этакларнинг ҳаддан ташқари захлаб кетишига ёки бостириб суғорилишига сира ҳам йўл қўймайди. Ҳозир у сув қўйган карталардаги ғўзалар бир текис гуллаб, эрта-индин кўсаклаш олдида турибди. Суратда: сувчи К. Шарипов иш устида.

В. Салов фотоси.

Ўртоқ Тюпко методи асосида ишламоқдамиз

Ўтган йилги тажрибаларга суяниб, бу йил 60 гектар еримизнинг ҳаммасига чигитни квадрат-уялаб жойлаштирдик. Ғўза парваришини белгиланган агротехника муддатларида кўнгилдагидек ўтказила бошланди. Ғўза қатор ораларини талабга жавоб берарли даражада юмшатиш мўл ҳосил етиштиришнинг бирдан-бир омили эканлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам ўз агрегатимдан тўғри ва унумли фойдаланиб ишламоқдаман.

Мени трактор-далачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлаганларида ўртоқ Тюпко методи асосида ишлашга, кам меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган эдим. Бу фақат менинг фикрим эмас, балки бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ҳам ана шуни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Ўртоқ Тюпконинг бригадасида ғўза парвариши асосан механизация воситасида ўтказилаётганлиги, кетмон мутлақо ишлатилмаётганлиги, ана шунинг натижасида кўплаб маблағ тежаб қолинаётганлиги ҳаммамизга маълум. Биз ҳам илғор пахтакорнинг йўлидан бориб, яхши натижаларга эришиш ниятидамиз. Ганишер Юнусов, Валентин Тюпко ўртоқларнинг қимматли маслаҳатлари асосида ишлаб, ғўза парваришида яхши натижаларга эришаётганлигимиз учун қувонамиз.

Бригадамиз аъзолари барча майдонлардаги ғўзаларни пахта ҳосилини машина ёрдами билан териб олишга мослаштириб, парвариш қилмоқдалар. Ғўзани нормал ривожлантириб, ҳосилни эрта етилтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу соҳада мен билан бирга ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилаётган Маъмур Мавлонов, сувчиларимиздан Тоир Чилибоев, Мамаржаб Мирзаев ўртоқларнинг фидокорона меҳнатлари мақтовга лойиқ. Улар кундалик белгиланган топшириқни ортиғи билан бажариб, зиммамизга олган социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш ишига ўзаларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳозиргача барча майдонлардаги ғўзаларимизни уч марта комплекс ишловдан чиқардик ва текис гулга киритиб олдик. Эндиликда охирги озиқлантиришни 5 июля қадар тамомлаш учун ҳаракат қиламиз.

Мақсадимиз ўртоқ Тюпко методи асосида ишлаб, бир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган харажатни кескин камайтирган ҳолда гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришдан иборат. Биз, албатта бунинг уддасидан чиқамиз.

Ф. ХУДОЕРОВ,
Гулистон районидаги «Коммуна» колхозининг бригада бошлиғи.

Илғор хўжаликлар сабзавот мўл-кўллиги учун курашаяптилар

Бўстонлиқ районидаги колхоз ва совхозларда картошка, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш ишига жуда муҳим масала деб қараляпти. Ленин номли колхознинг ҳамма бригадаларида ўтган йиллардагига нисбатан анча кўп ерга турли экинлар экилди. Айниқса, картошканинг яппи ҳосилини кўпайтириш юзасидан катта ишлар қилинаётир. Бу йил ўтган йилга нисбатан 140 гектар ортиқ майдонда картошка экини ўстирилаяпти.

Картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун бошланган социалистик мусобақада ўртоқ Обид Эргашев бошлиқ 2- бригада аъзолари олдинда бораяптилар.

«Чирчиқ» колхозида ҳам картошка, сабзавот ва полиз экинлари намунали парвариш қилинаётир. Уринбой Ҳайитметов, Давлат Ўсаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердаги картошкадан 20 центнердан ҳосил олиш учун курашилмоқда.

Калинин номли колхознинг ўртоқ Қ. Мирхомидов бошлиқ бригадаси аъзолари 47 гектар ерга помидор, 5 гектар ерга бодринг ва ошқовоқ ҳамда бир неча гектар ерга картошка экишиб, уларни меҳр билан парвариш қилишаяпти. Уларга экинларни намунали парвариш қилганликлари учун яқинда колхоз правленнеси томонидан бир қўй мукофот берилди.

Т. КАМОЛОВ,
А. НИШОНОВ.

☆

Колхозни орқага тортмоқдалар

Ҳамидулла Султонов бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг далаларини айланган кишининг баҳри дили очилади. Ғўзалар текис, нормал ривожланмоқда, культивация, суғориш, озиқлантириш ишлари ўрнига қўйиб бажарилаётир. Бригаданинг ҳар бир аъзоси гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятни ортиғи билан бажариш мақсадида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда. Дала ишларини комплекс механизациялаштиришнинг қандай яхши натижалар беришлигини шу бригада аъзоларининг ишидан кўрса бўлади.

* Бироқ колхозни орқага тортаётган, ғўза парвариши суръатини бўшаштириб юбораётган бригадалар Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхозида кўпчилиги ташкил қилади. Мурод Обидов, Инобат Давронова бошлиқ бригадаларда ғўза парвариши айниқса, қониқарсиз олиб борилмоқда.

Ўртоқ Мурод Обидов бошлиқ бригадада 70 гектар ерга чигит экилган. Бригада аъзолари чигит экиш тугаллангандан кейиноқ суръатни бўшаштириб юборганлар. Ҳозирги пайтда 40 гектарга яқин ернинг ғўзасини ўт босиб ётибди, айрим карталарнинг ғўзаси ниҳоятда сийрак. Шундай бўлгандан кейин ҳар туп ғўзанинг нормал ривожланишини таъминлаш учун парваришни сифатли ўтказиш керак эди. Лекин шундай қилинмаётир.

Натижада ғўза яхши ривожланмаётир. Бунга сабаб нима? Гап шундаки, бригадир ишга шахсан ўзи раҳбарлик қилмайди. Далага камдан-кам келади. Контролликнинг йўқлигидан фойдаланган баъзи бир дангаса колхозчилар механизаторлар ўзлари хоҳлаганча иш қилиб катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Механизатор Зайдилла Сайдазимов графикка ҳеч бир амал қилмасдан меҳнат қилади. Хоҳлаган пайтда келиб хоҳлагал пайтда кетади. Суғориш ҳам эндигина пахта майдонининг ярмида ўтказилган.

«Ленинград» колхозида бу йил 420 гектар ерда ғўза ўстирилмоқда. 1260 тонна ҳосил етиштириш мажбурияти олинган.

Агарда қолоқ бригадаларга раҳбарлик кўчайтирилмаса мўлжалдаги ҳосилни етиштириш хавф остида қолиши мумкин.

С. МИРЗАЛИЕВ.

АҲОЛИГА МЎЛ-КЎЛ ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК!

Шуҳрат қозонаётган сут соғувчи

Мария Сергеевانинг номи фақат «Қизил Октябрь» колхозидагина эмас, Верхне-волинск районидаги ҳамма сут соғувчиларга машҳур. У ўтган йили 15 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 1600 литрдан сут соғиб олган эди.

КПСС XXI съезди қарорлари уни янги муваффақиятларга илҳомлантириб юборди. Мария ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб, бу йил ҳар бир соғин сигирдан 2100 литрдан сут соғиб олмоқчи. Мария Сергеева ўзига биркитилган ҳар бир сигирдан ҳар куни 12-14 литрдан сут соғиб олмоқда. У, бу муваффақиятга қарамоғидаги сигирларни севиб парвариш қилиши, ўз вақтида суғориб, далага чиқариши натижасида эришмоқда.

Район меҳнаткашлари Мария Сергеевانинг намунали ишини кўриб, уни район Советига депутат қилиб сайладилар. У «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланди.

Мария Сергеева олий мукофотга жавобан янада унумли меҳнат қилмоқда.

Т. СОЛИЕВ.

Ем-хашак мўл бўлади

Мирзачўл районидаги «Коммунизм» колхозида мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтиришга жиддий киришилган. Колхоз аъзолари юз гектардан ортиқроқ майдонга маккажўхори экишиб, уни механизация ёрдамида парвариш қилишяпти. Бу ишда ёш механизаторлар Эшқобил Эшонқулов ва Суннат Абдулҳакимов ўртоқлар бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Колхозда ўртоқ Дарвиш Ойдинов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси ташкил қилинган. Бу бригада аъзолари фақат силосбоп ва донбоп маккажўхоларни парвариш қиладилар.

Бригадада бу йил маккажўхоридан камида 400 тоннадан кўкпоя ва нўп миқдорда дон олиш планлаштирилган. Ўтган йили колхозда ем-хашак базаси яратишга етарли аҳамият берилмаган эди. Ўртоқ Д. Ойдинов бошлиқ бригада аъзолари ана шуни ҳисобга олишиб, бу йил дағал хашак тўплаш ишига ҳам яхши аҳамият беришаётир.

Ҳозирги кунда колхоз далаларидаги маккажўхорилар 1,5-2 метрга бўй чўзди. Яқин кунлар ичида уларни ўриб олиб, силос бостириш ишлари бошлаб юборилади.

Б. ЖУРАЕВ.

Фермалардан хабарлар

ЧИНОЗ. 4-«Вревский» наслдор қибоева, Сталин номли колхоздан моллар совхозининг коллективи бу ҳ. Тошқўйдатов ўртоқлар олдида бормоқдалар. Бироқ айрим илғор сут соғувчилар бу йил хотиржамликка берилиб, илғорликни қўлдан бой бериб қўймоқдалар «Коммуна» колхозининг сут соғувчиси ўртоқ Салтанат Мирзабоева ўтган йили районда энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришган эди. Бу йил у орқада қолаяпти.

Ю. Баҳодиров.

* * *

ПИСКЕНТ. Ҳолча Душабоева «Гулистон» колхозининг илғор сут соғувчиси ҳисобланади. У ҳар бош соғин сигирдан 2 минг литрдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган. У бу мажбуриятини ошириб бажариш учун курашмоқда, ҳозиргача ўз боқимидаги сигирлардан минг литрдан ошириб сут соғиб олди.

Ф. Алиев.

КАЛИНИН. Карл Маркс номли колхоз сутчилик фермасида ишлаётган сут соғувчиларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Тожихон Нуримова, Саври Аширматовалар шулар жумласидандир. 10-синфни битириб, шу фермага ишга кирган ёшлар меҳнатда ўрнак бўлмоқдалар. Тожихон ва Саврихонлар дастлабки кунларданоқ ишга актив киришдилар. Тажрибали сут соғувчи Бўринисо Исҳоқова, Шарифа Набихоновалардан билмаганларини сўраб ўргандилар. Ҳозир колхозга борсангиз Тожихон Нуримова ва Саври Аширматоваларни энг илғор сут соғувчилар қаторида тилга оладилар. Тожихон Нуримова ўз боқимидаги 14 сигирдан 70 тонна сут соғиб олишга сўз берган. У 5 ой ичида ҳар бир сигирдан 1700 килограммдан ошириб сут соғиб олди.

Э. Сандкаримов.

* * *

БЕКОБОД. Дзержинский номли колхозда чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга катта эътибор бериляпти. Шу мақсадда 600 гектар ерга квадрат-уялаб маккажўхори экилди. Сифатли парвариш қилинаётган маккажўхори ўсимлиги силосбоп бўлиб етилмоқда. Ўтган йилга қараганда 2 баравар кўп силос бостиришга аҳд қилинган. Ҳозир силос траншеяларини тахт қилиб қўйиш учун курашилмоқда.

А. Сатторов.

Болаларнинг ёзги дам олишларини намунали ташкил қилайлик

Бизнинг мамлакатимизда бахтиёр болаларимизнинг самарали ўқиши ва яхши дам олиши учун катта имкониятлар яратиб берилган. Партия ва ҳукуматимиз болаларнинг билимдон, соғлом, ҳар томонлама ривожланган кишилар бўлиб етишишлари учун ҳеч нарсани аямайди.

Ёзги каникул — болаларнинг сермазмун дам олиш вақти қисобланади. Бу даврда болалар турли хил кўнгилочар ўйинлар, қизиқарли машғулотлар ва экскурсия, туристик юришларда қатнашиш билан ўзларининг саломатликларини яхшилайдилар, янги ўқув йилига янги куч тўплайдилар. Шунинг учун ҳам болаларнинг ёзги дам олишларини тўғри ташкил қилиш катта аҳамиятга эга.

Бу йил Тошкент шаҳар, Октябрь районида болаларнинг мавсумли соғломлаштириш муассасалари, санаторийлар, соғломлаштириш майдончалари, ўнлаб пионер лагерлари, шунингдек туристик лагерлар очилди. Бу муассасалар ўсиб-улгайиб келаётган ёш авлоднинг яхши дам олиши, соғлиғини мустаҳкамлаши учун хизмат қилаётир.

Октябрь район халқ маорифи ходимлари, ўқитувчилар коллективи, комсомол ва касаба союз ташкилотлари болаларнинг ёзги дам олишини уюштириш масаласини олдиндан чуқур ўрганиб бир қатор тадбирларни белгилаб чиқди. Пионер лагерлари ва соғломлаштириш муассасаларига қанча бола жалб этилиши аниқланди. Жисмоний жиҳатдан заиф ёки бирор касалликка чалинган болалар санаторийларга юборилади. Уларга халқ маорифи бўлимининг путевкалари тошширилди. Минглаб соғлом ўқувчилар шаҳар атрофидаги пионер лагерларида кўнгилли дам олмоқдалар. Жисмоний жиҳатдан соғлом, саёҳатларга ишқибоз анчагина болалар туристик лагерларга юборилди. Бу соҳада Октябрь районидаги пионерлар уйи катта ишлар қилаётир. Болаларнинг туристик саёҳатлари жуда қизиқарли бўлиб, ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш билан бирқаторда уларнинг билимларини ҳам чуқурлаштираётир.

Ёзги каникул даврида шаҳарда қолган болалар учун мактаблар ҳузурида 20 га яқин пионер лагерлари ташкил этилди. Буларда 2000 дан ортиқ пионер дам олаётир. Бу ерда болалар фақат кундуз кунлари дам олиб ўйнайдилар, овқатланадилар. Улар очиқ ҳавода сайр қиладилар, ҳар хил спорт ўйинлари билан шуғулланадилар, экскурсияларга борадилар.

23, 42, 119, 11, 22, 90, 82-мактабларда ташкил этилган пионер лагерларида ўқувчилар кўнгилли дам олмоқдалар. Бу мактабларнинг раҳбарлари, педагоглар коллективи ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишда яхшигина тажриба ортгирганлар.

Бу лагерларда кундалик режимга алоҳида эътибор берилади. Болаларнинг уйқуси, юриши, эрталабки зарядкаси, овқат ейиши — ҳаммаси ҳам қатъий режим асосида олиб борилади. Айниқса ҳаводан тўғри фойдаланиш, ўйнаш, сайр қилиш болаларнинг кучига қараб жисмоний меҳнат, спорт ўйинлари билан шуғулланиш уларнинг соғлом, хушчақчақ ўсишига ёрдам бермоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган пионер лагерлари тарбиячиларининг яхши фазилатлари шундаки, улар болаларнинг ёшини, билимларини, қизиқишларини яхши ҳисобга олиб иш олиб бораётирлар. Суҳбатни мумкин қадар қизиқарли, жонли ўтказишга, уни турмушдан олинган ҳаётий фактлар ва мисоллар билан бойитишга алоҳида эътибор берилади. Суҳбатни шу тартибда ўтказиш дам олувчиларнинг билим ва тушунчаларини изчиллик билан кенгайтириб, чуқурлаштириб боришга, уларнинг қизиқишларини тобора кучайтиришга имкон беради.

11-мактабда ташкил этилган пионер лагерининг бош тарбиячиси ўртоқ Ёқуб Тошхўжаев коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси улуғ В. И. Ленининг камтарлиги, инсонпарварлиги, болаларга жуда меҳрибон бўлганлиги ҳақида суҳбат ўтказиш учун қизиқарли ва бой материал тўплаган.

Турли эстетик темаларда, чунончи, дўстлик ва ўртоқлик, ўз бурчини ҳис қилиш, социалистик мулкка яхши ва ғўғри муносабатда бўлиш ҳақида ўтказилаётган суҳбатлар ҳам болаларда яхши таассурот қолдираётир. Бу ўринда кўпгина тарбиячилар яхшигина тажрибага эгадирлар. Бош тарбиячилардан Файзиев (23-мактаб), Ғабдюков (82-мактаб), Скоморошка (119-мактаб), Ступакова (30-мактаб), Шестакова (42-мактаб) ўртоқлар шулар жумласидандир.

Бу лагерларда дам олаётган болалар учун барча шароитлар яратиб берилган. Бу ўринда шу мактабларнинг директор ва ўқитувчилар коллективи катта ташаббус кўрсатган. Мактаблаги пионерлар лагерига қачон борманг, қувноқ болаларнинг шавқ-завқ билан қўшиқ айтаётганини кўрасиз.

Афсуски, баъзи мактабларнинг раҳбарлари бу масалага эътиборсизлик билан қараб, кўпгина болаларнинг лагердан кетиб қолишларига сабаб бўлаётирлар. Болалар учун ҳеч қандай қизиқарли ўйинлар ташкил этилмай, вақтида овқатлантирилмай, режимсиз ва плансиз иш олиб борилганлиги учун болалар зерикиб, қимматли вақтлари беҳуда ўтмоқда.

Пушкин паркида очилган пионерлар лагери худди шулар жумласидандир. Боғдаги лагерга дам олиш учун юборилган 84, 19, 65, 81, 46-мактабларнинг ўқувчилари мактаб раҳбарлари ва лагер тарбиячиларининг ўз ишларини уддалай олмаётганликлари натижасида кўнгилли дам ололмаётирлар. Кўплаб ўқувчилар бу ердаги тартибсизликлардан ранжиб бутунлай кетиб қолдилар.

Болаларнинг ёзги дам олишини фойдали ижтимоий ишлар билан бирга қўшиб олиб бориш ҳар томонлама фойдалидир. Шунингдек, ҳозирги вақтда болаларнинг колхозлардаги ёзги практикаси ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳозир райондаги 40 та ўрта мактабнинг 8—9-синф ўқувчиларидан 2600 бола Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл районларидаги колхоз ва совхозларга чиқиб, ўз билимларини меҳнат майдонида синаб кўрмоқдалар. Бу ўқувчиларнинг яна бир қисми завод-фабрикаларда, қурилишларда ишламоқда.

Бу ўринда болаларнинг колхозларда ўтказаётган практикасини ташкил этишда кундалик режимга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу режим ишлаш, овқатланиш, дам олиш, кундузги уйқу ва бошқалардан иборатдир. Болаларнинг ҳар куни эрталаб ва кечки соатларда ишлашлари, кундуз куни вақтида ухлашлари, нормал овқатланишларига алоҳида эътибор бериш керак. Қишлоқ хўжалиги меҳнати билан шуғулланган болалар қуёш нуридан баҳраманд бўлиб, жисмоний томондан ҳар томонлама такомиллашади, соғлом ва бақувват бўлади.

Шунинг учун ҳам болаларнинг ёзги дам олишига эътибор бериш — халқ маорифи ходимлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ва бутун жамоатчиликнинг энг муҳим вазифасидир.

Миразиз РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ маорифи бўлими педагогика кабинетининг мудири.



Қорасув районидаги Ленин номли колхозда паррандачилик хўжаликнинг сердаромад тармоқларидан ҳисобланади. Бу ерда паррандалар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Суратда: паррандачи ўртоқ М. Тупкова ўрдакларга дон сепмоқда.

Ҳ. Ҳайитмуҳамедов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

„УРТЎҚМОҚ“ СОВЕТ КОЛХОЗ БОЗОРЛАРИДА

Бозордаги текинхўрлар

Маъмурчилик

Ёзнинг сўлим кунлари эмасми, шаҳар одатдагидек бугун ҳам эрта уйғонди. Ҳар қайси районнинг ҳам, ҳар бир мавзунинг ҳам ўзига яраштур бозор ва бозорчаси бор. Эрталабки нонушта дастурхонини нозиз-неъматлар билан безаш, тушки ва кечки овқатларга лаззат берадиган, хушбўй қиладиган сабзавот ва кўкатларни вақтида олиб қўйиш тараддуди ҳамма оилаларда ҳам бўлади. Бу тараддуд билан шаҳар аҳолиси бозорлар томон барвақт йўл олади. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам бозорга эртароқ боришга интилади.

Мана, деҳқон қопини агдарди. Тонг ёриши билан узилган кўмкўк, куврак бодринг. Боғбон саватини очди. Бетидан ҳали шабнам кетмаган олча ёки олтин тусли ўрик, қизариб пишган шафтоли...

Барвақт бозорга борган киши деҳқон билан харидор ўртасидаги ажойиб хушмуомалани кўриб қувонади. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Орага бирорта олибсотар суқилиб қолса борми... (бу ҳақда кейинроқ гапирамиз).

Тўкин нозиз-неъматлар билан келган бу йилги саҳий ёз шаҳар бозорларини сабзавот ва турли маҳсулотлар билан маъмур қилиб юборди. Шаҳар атрофидаги колхоз ва совхоз далаларида, боғ ва полизларда мўлкўл ҳосил етиштирилмоқда. Пишиб етилган помидор, бодринг, карам, картошка, сабзи, пиёз, олма, ўрик ва бошқа рангба-ранг маҳсулотлар пешма-пеш шаҳар бозорларига келтириляпти. Шундай маҳсулотлар областимизнинг Сирдарё, Гулистон, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ каби узоқ районларидан, ҳатто Фарғона водиси ва бошқа областлардан ҳам узлуксиз келтирилмоқда.

Калинин районидаги Сталин номли колхознинг Госпиталь бозоридаги дўкони сабзавот маҳсулотлари билан лиқ тўла. У ерда йирик пиёзнинг нархи 1 сўм, сабзи, лавлаги, олма, ўриклар харидорларни ўзига чақиради. «Ташплодоовощтрест»нинг Олой бозоридаги 2-магазини ва унинг филиалларида бодринг, карам, сабзи ва ҳоказолар сотилянти. Калинин районида янгидан ташкил қилинган «Тошкент» совхозининг далаларида етиштирилган бу сабзавотларнинг яхшилигидан харидорлар мамнун. Магазин ва унинг филиалларида шу кунларда 10-12 тонналаб маҳсулот сотилади.

Важоҳат

Карим Турсунов бирровга кийдириб, текин пул топишда рекорд қўйган, «Уртўқмоқ» бу савдогарни ҳаммага танитиб қўйишни лозим кўрди.

———☆ ☆———

Юриш-туришидан, дағал муомаласидан бозорнинг гўшналаридан бири эканлиги яққол кўриниб турибди. Бўлари бежо бу йигитнинг исмишарифлари Абдусамад Қорабоев. Бесўнақай гавдаси, тоғни урса талқон қилгудек йўғон билаги, гурзидек мушти, керак бўлганда резинкадек чўзиладиган кекирдаги Абдусамадни бозордаги бошқа балоҳўрлардан аж-ратиб туради. У бозорда бемалол юради, важоҳатидаги барча «устинликлардан» керагича фойдаланади. Қани бозордаги бирор «валламат» кекирдагингни чўзма, деб кўрсинчи. Йўқ. Бунақа довюракни Олой бозорининг ёнгинасидаги Куйбишев район милиция бўлимидан ҳам, бозор дирекциясидан ҳам топа олмайсиз.

Нима бўлди-ю, Абдусамад майда безорилик билан 15 сутка ўтириб чиқди. «Ёв қочса ботир кўпаяди» дегандек ўша кунларда бозор дирекциясидаги ходимлар ҳам, милиция бўлими ходими ўртоқ Юсупов ҳам Абдусамадни бозордан четлаштирдик, деб чираниб юришди. Орадан кўп ўтмади. Қорабоев яна бозорда, ўша жойда пайдо бўлди. Бозорга мол олиб келган деҳқон ва боғдорларни чўмичда қоқиб, гумашталарини сабзавот маҳсулотлари ҳамда ҳўл мева билан узлуксиз таъминлаб турибди. Бозор дирекцияси ходимлари ва ўртоқ Юсуповнинг айтишларига қараганда унга бир нарса дейиш янада оғирлашиб қолган. Нега десангиз энди Киров район коммунал хўжалик бўлимидан берилган «қоровуллик» гувоҳномасини рўкач қилармиш.

Унинг гумашталаридан бири ёш қиз Ҳосият Яҳёева (бозорда Ҳожия номи билан машҳур). У, Калинин район, Ворошилов қишлоқ советидаги «Шарқ ҳақиқати» колхозида ишлайдиган поччасининг олчасини сотаётган эмиш.

Мамлакатхонни бозорда кимлар танимайди дейсиз. «Уртўқмоқ» бу савдогар хотининг фотосини олмасдан анча бурун унинг сурати милиция бўлимида бўлиб, ҳаракатсиз ётган.

———☆ ☆———

— Кеча кимнинг молини сотаётган эдингиз?

— Вой, анави кишини қаранг, бозорга биринчи келишим-ку.

— «Иккинчи олиб сотарлик қилмайман» деб берган тилхатингизга нима дейсиз?

Ҳосият тонмоқчи бўлди-ю, лекин удда қилолмади. У Юнусободдаги тоғамнинг олчасини сотаётган эдим, деб иқрор бўлди.

Абдусамад, Ҳожиялар каби ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир текинхўрлар бозорда бир неча. «Сабаби тирикчилик», «азбароён эрмак», «шу касбга ўрганиб қолганликдан» юрганлар сероб. Жамият ва халққа манфаат етказмай Олой ва бошқа бозорларда олибсотарлик билан шуғулланиб, жонини қойитмай бирни ўн, ўнни юз қилиб юрган Сараева отнинг қашқасидек ҳаммага маълум. У қишин-ёзин лимон, апельсин ва мандарин сотади. Бу нарсалар унинг қайси боғида етилибди? Исаак Гарлиз илгари қўлтиқтаёқ билан юриб тиланчилик қилар эди, ҳозир эса соппа-соғ, қўлтиқ таёқсиз лимон пуллаб юribди. Мамлакатхон исмли ёшгина бир жувон бозорга танилган. Доим олча, помидор ва шу каби маҳсулотлар билан бемалол савдо қилаберади, ҳеч ким унга гўнг демайди.

Ўзи соппа-соғ бўлатуриб, ишламасдан, лимон сотиб, чайқовчилик билан шуғулланувчи Исаак Гарлизнинг бу суратини «Уртўқмоқ»нинг ўзи олган.

———☆ ☆———

Шуниси қизиқки, бозордаги бу олибсотарлар прилавкаларнинг энг яхши жойларини эгаллаб олганлар. Бозорга мол келтирган меҳнаткаш колхозчилар, боғбонлар эса молларини ерга қўйиб савдо қиладилар. Бозор дирекцияси ходимлари наҳотки узоқдан мол келтирган деҳқонларга жой топиб бера олмаса!

Жамоатчиликнинг ғазаби

Бозордаги балоҳўрлар билан курашиш мумкинми? Ҳа, албатта мумкин. Буни Госпитал бозоридаги милиция ходимлари тажрибасидан кўриш мумкин. Улар бозор дирекцияси билан биргаликда турли йўллар билан савдогарларга қарши курашади. Уларни штраф қилиш, тилхат олиш, ашаддий чайқовчиларни тегишли органларга топшириш йўли билан бозордан сиқиб чиқарилмоқда. Тилхат берганлардан Салима Сатторова ахён-ахёнда бозорда пайдо бўлиб, лимон сотиб юради. Лекин у илгаригидек бемалол чайқовчилик қилишга журъат эта олмайди.

Олой бозорида эса бутунлай бошқача манзара. Бозор дирекцияси ходимлари ҳам, милиция бўлимининг шу бозордаги оператив ходимлари Юсупов ва Қац ўртоқлар ҳам бозордаги олибсотарлар билан жиддий курашмаётирлар. Ўртоқ Юсупов олибсотарларнинг кунига нима ва қанча нарса олиб сотганини ҳам яхши билади. Лекин «гувоҳлар йўқ» баҳонаси билан чора кўришни галга солади. Бозор дирекциясидаги «махфий» папкада хўжакўрсин учун бундан 2—3 йил илгари олинган тилхатлар чанг босиб ётибди. Бирор жойдан текшириб қолинганда, дарҳол бу тилхатлар рўкач қилинади-ю, тилхат берган, ҳозир яна бемалол савдогарчилик қилиб юрган шахсларга нисбатан чора кўрилмайди. Чайқовчиларга қарши курашда милиция билан бозор дирекцияси ўртасида ҳамкорлик йўқ. «Сен менга тегма, мен сенга тегмай» қабилида иш тутилмоқда. Бу — фақат олибсотарлар учун ўнг келмоқда.

Шаҳар бозорларида фойдали меҳнат билан шуғулланмай, деҳқонларни ҳам, харидорларни ҳам чўмичда қоқиб, пулни пул билан ўйновчи олибсотарларни бозордан сиқиб чиқариш, чайқовчилик билан шуғулланиб юрувчи қаллобларни жиловлаб қўйиш вақти келмадимикин?

Бозор дирекциясининг ходимлари ҳам, милиция органлари ҳам шу тўғрида жиддийроқ ўйлаб кўришлари керак.

А. МИРБОБОЕВ,
Ш. КУЗАНБОЕВ.

«УРТЎҚМОҚ»ҚА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Жонга тегди бу пашшалар“

Газетамизнинг шу йил 7 июнь сонидаги «Уртўқмоқ» бўлимида юқоридаги сарлавҳа билан босилган хабарда «Тошкент» ресторанининг кафсида пашшалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани, уларни йўқ қилиш, кафсда озодалик ўрнатиш юзасидан кафз ходимлари чора кўрмаётганлиги тўғрисида ёзилган эди.

Шаҳар санитария-эпидемия станциясининг бош врачи ўртоқ Андреева нинг редакцияга маълум қилишича хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Текшириш вақтида кафсда санитария қоидаларининг қўпол равишда бузилаётганини кўрсатувчи бошқа фактлар ҳам аниқланган. Шунга биноан зарурий санитария тартиби ўрнатилганга қадар кафз бекитиб қўйилган.

«Тошкент» кафсида санитария қоидаларининг қўпол равишда бузилиши тўғрисида шаҳар савдо бошқармаси ва ресторанлар трести раҳбарлари Туркова ва Орипов ўртоқларга маълум қилиниб, айбдорларга нисбатан чора кўриш ва санитария талабларининг бузилишига чек қўйиш тадбирларини кўриш талаб қилинган.

Чет Элларда

Ф. КОЗЛОВ ВАШИНГТОНГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 1 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов ва унинг ҳамроҳлари кеча Филадельфиядан Вашингтонга келдилар. Аэропортда Ф. Р. Козловни АҚШ вице-президенти Р. Никсон ва бошқа расмий кишилар, шунингдек совет элчихонасининг вакиллари кутиб олдилар.

АҚШ вице-президенти Р. Никсон Ф. Р. Козловни табриклаб, бундай деди: «Бу учрашувлар СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларга таалуқли баъзи проблемаларни қараб чиқиш ва аниқлаш учун фойда келтиражагига ишонамиз».

Ф. Козлов ўз жавобида умид билдириб айтдики, АҚШнинг раҳбар арбоблари билан ўтказиладиган учрашув ва суҳбатлар бир-бирларимизнинг фикримизни яхшироқ англаш имконини беради ва кейинги йилларда вужудга келган англашилмовчиликларни йўқотишга ёрдам беради. Биз шундай фикрда турамизки, деди Козлов, урушдан кейинги йилларда рўй берган кескин келишмовчиликларни қатъий суратда ва дадил бартараф қилиш ҳамда иккинчи жаҳон уруши вақтида авж олган дўстона тинч-тотув яшаш сиёсатига қайтиш керак. Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда бунинг учун бутун шарт-шароит мавжуддир.

Ф. Козлов сўзининг охирида ишонч билдириб айтдики, Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар ҳар иккала мамлакат халқларининг ва бутун дунё халқларининг бахт-саодати учун дўстлик рухида ривожлана олади ва ривожланиши керак.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ СЪЕЗДИДА ҚАТНАШГАН КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ФРАНЦИЯДА БЎЛИШИ

ПАРИЖ, 30 июнь. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси XV съездида қатнашиб, ҳозирги вақтда Францияда меҳмон бўлиб турган М. А. Суслов, Н. В. Подгорний ва Б. Н. Пономарев бугун арталаб Марселга келдилар. Улар шу йил сентябрь ойида Марселда очиладиган ҳар йиллик Халқаро ярмаркадаги Украина ССР павильони қурилаётган жойни бориб кўрдилар.

Бу сафарда совет делегациясига сенатор Роже Гароди ва СССРнинг Франциядаги элчиси С. А. Виноградов ҳамроҳ бўлмоқдалар.

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 30 июнь (ТАСС). Маҳаллий матбуотнинг билдиришича, Корея Халқ Демократик Республикасининг енгил саноати ярим йиллик ишлаб чиқариш планни 27 июнда 100,3 процент қилиб адо этди. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ўтган йилнинг ана шу давридагига қараганда, 46 процент ортди. Ип ва жун калавалар 2795 тонна кўп, турли хил газламалар 10429 минг метр кўп, висноза калаваси 870 тонна кўп ишлаб чиқарилди.

Нью-Йоркда Совет Иттифоқининг фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқлари виставкасининг очилиши

НЬЮ-ЙОРК, 30 июнь. (ТАСС мухбирлари). Кеча Нью-Йоркдаги жуда йирик виставка биноси — «Колизей»да Совет Иттифоқининг фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқларининг жуда катта виставкаси тантанали вазиятда очилди.

Кеч соат 6 да «Колизей»нинг биринчи қаватидаги кенг зал жуда кўп меҳмонлар билан тўлди. Виставканинг расмий суратда очилиш маросимида қатнашиш учун бу ерга 1200 дан кўпроқ киши таклиф қилинган эди. Улар орасида америка жамоат ва сиёсий арбоблари, саноат ва молия доираларининг намояндалари олимлар, Америка Қўшма Штатлари қуролли кучларининг вакиллари бор эдилар. СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Р Никсон, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова, СССРнинг Америка Қўшма Штатларидаги элчиси М. А. Меньшиков, Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Лож, совет виставкасининг директори А. Н. Манжуло, Нью-Йорк шаҳрининг мэри Р. Вагнер, совет авиаконструктори А. Н. Туполев Америкаларнинг кўзга кўринган саноатчилари ва жамоат арбобларидан Сайрус Итон ва Роберт Даулинг махсус тайёрланган баланд жойда турибдилар.

Совет Иттифоқи ҳамда Қўшма Штатларнинг давлат гимнлари тантанавор янграйди. СССР элчиси М. А. Меньшиков Нью-Йорк мэри Р. Вагнерга сўз беради. Мэр совет виставкасини жуда ажойиб виставка деб атаб, ана шу виставканинг жаҳондаги барча халқлар интилаётган асосий мақсадга эришишда ёрдам беришига ишонч билдирди.

Америка ҳукумати номидан Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Р. Никсон нутқ сўзлади.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов Совет Иттифоқи ҳукумати номидан катта нутқ сўзлади.

Сўнгра меҳмонлар виставканинг марказий дарвозаси томон йўл оладилар. СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов қизил шойи лентани кесиб юборади. Бу ерда тўпланганларни эскалаторлар виставканинг марказий залига кўтаради.

Ф. Р. Козлов ва Ричард Никсон бошчилигидаги меҳмонларнинг катта бир группаси виставка директори А. Н. Манжуло ҳамроҳлигида совет сунъий ер йўлдошларининг моделлари томон, инсоният тарихида биринчи марта совет сунъий қўёш йўлдошини орбитага олиб чиққан космик ракетанинг сўнгги бўғ-ничи томон йўл оладилар. Йўлдошлар меҳмонларни қойил қолдиради. Сўнгра, меҳмонлар виставканинг жуда кўп бўлимларини айланиб чиқар эканлар, кўпгина стенд ва экспонатларнинг олдида анчагача тўхтаб қолардилар.

Виставка тамоша қилиб бўлингандан кейин СССР нинг Америка Қўшма Штатларидаги элчиси М. А. Меньшиков ва совет виставкасининг директори А. Н. Манжуло катта қабул маросими ўтказдилар. Қабул ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Америка жамоат арбоблари ТАСС мухбири билан қилган суҳбатларида Совет Иттифоқининг фан, техника ва маданият соҳасидаги ютуқларининг Нью-Йоркда очилган виставкасига юксак баҳо бердилар.

Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Р. Никсон виставка жуда катта таассурот қолдирганлигини айтди; унга совет медицинаси ва уй-жой қурилишида эришилган ютуқларни намойиш қиладиган бўлимлар, жумладан Москванинг гарбий-жанубий районида олиб борилаётган қурилишлар айниқса маъқул бўлган. У, шу нарсага ишонч билдириб айтдики Нью-Йоркдаги Совет виставкаси америка халқида катта қизиқиш туғдиради.

Американинг таниқли саноатчиси ва молиячиси Сайрус Итон виставкани совет конструкторлари ва рассомларининг жуда катта ғалабаси деб атади. Мен завқ-шавққа тўлдим, — деди у. Виставка мен ўзимнинг америкалик ўртоқларимга ҳамиша айтиб келган нарсаларни намойиш қилмоқда. Моҳирлик ва талант жиҳатидан совет олимларидан ҳали ҳеч ким ўзиб кетгани йўқ; улар фақат мамлакатингизнинг тараққиёти ишида жуда катта ҳисса қўшибгина қолмасдан, шу билан бирга бутун инсониятнинг тараққиёти ишига ҳам жуда катта ҳисса қўшадилар.

Америка Қўшма Штатларининг кўзга кўринган сиёсий арбоби Гарольд Стассен ҳам шу нарсани қайд қилдики, виставканинг очилиши ажойиб воқеадир. Бу виставка, деди у, кўпгина кишиларни ўзига жалб этади ҳамда ҳар икки мамлакатимиз халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликка яхши таъсир кўрсатади.

Америка Қўшма Штатлари киносаноатчилари уюшмасининг раиси Эрик Жонстоннинг айтишича виставка унда кучли таассурот қолдирган.

Бу виставкани афсонавий деса бўлади, деди «Пенси-Кола» компаниясининг президенти Кендолл. Кендолл виставкага қўйилган қишлоқ хўжалик машиналари ҳақида завқшавқ билан гапирди.

Кўпгина америка журналистлари ҳам ана шундай фикрларга қўшилмоқдалар.

В. ОЗЕРОВ.
В. КОЛОКОЛЬНИКОВ.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ КЕНГАШИ 28-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ

ЖЕНЕВА, 30 июнь (ТАСС). Бугун Женевадаги Миллатлар саройида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий ва социал кенгашининг 28-сессияси очилди. Сессия ишида кенгаш аъзоси бўлган 18 давлатнинг делегацияси, шу жумладан СССР Ташқи ишлар Министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин бошчилигидаги совет делегацияси қатнашмоқда.

Сессиянинг кун тартибида 22 та масала бор. Булар орасида жаҳон иқтисодий ва социал аҳволининг обзорларини муҳокама қилиш иқтисодий ва социал соҳаларида халқаро ҳамкорлик масалалари, инсон ҳуқуқлари масалалари юзасидан тузилган комиссиянинг, кам тараққий этган мамлакатларга техника ёрдами бериш масалалари юзасидан тузилган комитетнинг докладларини қараб чиқиш ва бошқа масалалар бор.

Сессия 31 июлгача давом этади.

АДЕНАУЭР ҒАРБИЙ БЕРЛИНГА КЕЛДИ

БЕРЛИН, 30 июнь (ТАСС). Ғарбий Германия канцлери Аденауэр Америка ҳарбий ҳаво кучларининг махсус самолётида бугун Ғарбий Берлинга келди. Аденауэрнинг бу ерга келишидан мақсади Германия Федератив Республикаси президенти сайловларида қатнашишдан иборат дир. Бу сайловлар Берлиндаги вазиятни нормаллаштиришга путур етказишга қаратилган ифвогарлик тадбиридир.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Бугун пойтахтимизнинг марказий «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг XII республика комплекс спартакиадаси очилади. Спартакиадада Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Бухоро (биринчи группа), Наманган, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР (иккинчи группа)дан келган спортчилар делегацияси қатнашмоқда.

Спартакиада программасига енгил атлетика, спорт гимнастикаси, сузиш, баскетбол, волейбол, велоспорт, сув полоси, сувга сакраш, отиш спорти, эшкак эшиш, теннис, футбол, стол тенниси каби спорт турлари киритилган. СССР халқлари II спартакиадаси олдидан ўтказилаётган бу катта мусобақада қатнашаётган ўқувчилар юқорида саналган спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Мусобақалар «Пахтакор», «Динамо», «Спартак» стадионлари, округ офицерлар уйининг спорт залида, Тошкент ипподроми, ДОСААФ тири ва «Меҳнат» ҳамда «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятларининг базаларида ўтказилади.

Спартакиаданинг тантанали ёпилиш маросими 5 июлда М. Горький номидаги шаҳар болалар паркида бўлади.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

Музей ходимларининг республика кенгаши

Тошкентдаги Олимлар уйида Ўзбекистон Маданият министрлиги томонидан уюштирилган музей ходимларининг республика кенгаши тўрт кун давом этди. Кенгаш Совет давлати фаолиятини кенг пропаганда қилишнинг йўллари ва формаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари ўртоқ Ж. Тожиева «КПСС XXI съезди ва республика музей ходимларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг старший илмий ходими Л. М. Ланда ўз докладини Совет Ўзбекистони тарихини даврларга бўлиш масаласига бағишлади.

Кенгаш қатнашчилари Сурхондарё, Хива, Самарқанд, Бухоро музейларида ишлаётган илмий ходимларнинг иш тажрибалари ҳақидаги сўзларини эътибор билан тингладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг директори, профессор Я. Ғ. Ғуломов «КПСС XXI съезди ва ўзбек совет этнографияси фанининг вазифалари ҳақида» мазмунли доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари назарий-илмий докладларни эшитиб бўлгач, Тошкентдаги бир қатор музейларни бориб кўрдилар, уларнинг иш тажрибалари билан танишдилар. Академия ҳузуридаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг илмий ходими, тарих фанлари кандидати А. Ҳаиров «Совет даври бўлими экспозициясини тузиш методикаси» темасида суҳбат ўтказди.

Кенгаш кун тартибидаги масалалар музей ходимларининг ишларига шубҳасиз катта ёрдам беради.

И. ЮНУСХЎЖАЕВ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкент шаҳри ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлди. Кундузи соат 12 да Тошкентда 27 даража, областда 27—31 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкент шаҳри ва областида ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Тошкентда 34-36, областда 32—37 даража иссиқ бўлади.

Телевизор экранида

2 ИЮЛДА

19.30. Болалар учун «Адабий топишмоқ» деган эшиттириш.

19.50. Ўзбек тилида «Етти йиллик илғорлари» деган эшиттириш.

20.10. Рус тилида ёзувчи П. П. Бажов ижодига бағишланган киноочерк.

20.20. Сўнгги ахборот.

20.30. «Кино тарихи» циклидан ўзбек тилида эшиттириш.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 3/VII да **Чин муҳаббат.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/VII да **Травиата**, 3/VII да янги спектакль **Паяцлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/VII да **Равшан ва Зулхумор**, 3/VII да **Олтин кўл.** Тез кунда янги спектакль **Оқ нилуфар.**

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 да кенг экранли ҳужжатли фильм **Симферополь — Алушта — Севастополь**, кундуз ва кечқурун **Жон талвасаси**, кеч 10-40 минутда **Машенька.**

«ВАТАН», КАФАНОВ номли — **Денгиз қонуни.**

«ОКТЯБРЬ» — кеч соат 9-20 минутда **Йўл**, кеч 11 да **Қутлуғ қон** (ўзбек тилида).

«ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «УДАРНИК» — **Жон талвасаси.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун: 1) **Юрақдаги дард**, 2) **Жон талвасаси.**

«ФЕСТИВАЛЬ» — кеч соат 9-15 минутда **Юрақдаги дард**, кеч 11 да **Жон талвасаси.**

БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ «ТАШПРОМТОРГ» магазинларида

эркак, хотин-қиз ва ўспиринлар учун ҳар хил **ВЕЛОСИПЕДЛАР**, **турли маркали фотоаппаратлар, радиоприёмниклар, радиолалар ва соатлар**

СОТИЛМОҚДА

Бу товарларнинг баҳоси 1 июлдан бошлаб анча камайтирилган.

Магазинларнинг адреси: № 1 — Бируний майдони, № 7 — К. Маркс кўчаси, 33-уй, № 34 — Шумилов шаҳарчаси, № 36 — К. Маркс кўчаси, 18-уй, № 52 — Госпитальний бозор, № 60 — К. Маркс кўчаси, 22-уй, № 63, 105 — Октябрь бозори, № 174 — Олой бозори, 197 — Сариқўл кўчаси, 1-уй, № 246 — Паркент бозори, № 26 — Чиланзор, № 6 — Биринчи май бозори.

А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАРДАН:

Паяцлар операсининг 2, 3-спектакларига,

Оққуш кўли балетининг 1, 2, 3, 4-спектакларига

билетлар сотилмоқда

Касса эрталаб соат 11 дан очилади.

Кисловодская кўчаси, 38-уйда турувчи **Замира Бобохонованинг** шу уйда турувчи Босит Абирович Бобоҳоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Навоий кўчаси, 2-Строительний проезд, 53-уйда турувчи **Жўрабой Турсунович Умаровнинг** 2-Огородная кўчаси, 50-уйда турувчи Шоҳида Баҳромовна Гуломовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 290.40, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50 Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 05226. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1626.